

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2021 йил июль ойининг 28 куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг судьяси М.Улуғбеков, М.Фармонованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қўқон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ғ.Рузиев, судланувчи М.Комилжонов ва унинг ҳимоячиси адвокат М.Игамбердиеваларнинг иштирокида, судланувчи Комилжонов Мухаммадориф Мухаммадали ўғлига оид **1-1503-2102/510** сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Комилжонов Мухаммадориф
Мухаммадали ўғли (Komiljonov
Muxammadorif Muxammadali o`g`li)
14.05.1994 йилда Фурқат туманида
туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон
Республикаси фуқароси, маълумоти
ўрта-махсус, оилали, депутатликка
сайланмаган, давлат мукофотлари билан
тақдирланмаган, муқаддам судланмаган,
Қўқон шаҳридаги “Avtokard”
томактабида автомашина бошқаришни
ўргатувчи вазифасида ишлайди, Фурқат
тумани Шатура қишлоғи, уста юсуфжон
кўчаси, 18-уйда яшайди, эҳтиёт чора
тариқасида муносиб хулқ атворда бўлиш
тўғрисида тилхат қўлланилган, айблов
хулоса нусхасини 2021 йил 06 июнь куни
олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми,
28,211-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини
эшитиб, дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни текшириб,
суд мажлисида аниқланган ҳолатларни муҳокама қилиб, тарафларни
музокараси ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Комилжонов Мухаммадориф Мухаммадали ўғли 2021
йил 21 апрель куни соат 14-00ларда жабрланувчи Б.Юсупов билан
телефон орқали гаплашиб, унга хайдовчилик гувоҳномасини 2.200.000
сўм эвазига 20 кун муддат ичида Фарғона вилоят ИИБ РЎ ва ИОБ да
ишловчи танишлари орқали “В,С” тоифадаги хайдовчилик гувоҳномасини
олиб беришига ишонтириб, Қўқон шаҳар, Истиқлол кўчасидаги 10-сонли



уй олдида махсус харидор сифатида қатнашган Б.Юсуповдан тадбирда фойдаланиш учун берилган 2.200.000 сўмни олган вақтида тадбир иштирокчилари томонидан ашёвий далиллар билан бирга ушланган.

Судланувчи М.Комилжонов суд мажлисида, айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, 2021 йил 21 апрель куни соат 10-00ларда Лазизхон исмли таниши унга қўнғироқ қилиб, бир таниши тез фурсатда хайдовчилик гувоҳномаси олмоқчи эканини унга ёрдам бериш кераклигини айтганини, орадан бироз вақт ўтиб ўзини Бурхон деб таништирган шахс билан телефон орқали гаплашган унга тез фурсатда хайдовчилик гувоҳномаси кераклигини, унга 2.200.000 сўм эвазига 20 кун муддат ичида Фарғона вилоят ИИБ РЎ ва ИОБ да ишловчи танишлари орқали “В,С” тоифадаги хайдовчилик гувоҳномасини олиб беришига ишонтирганини, шундан сўнг у билан Қўқон шаҳар, Истиклол кўчасидаги 10-сонли уй олдида кўришиб Бурхон исмли боладан 2.200.000 сўмни олган вақтида ИИБ ходимлари томонидан ушланганини, уни вилоят ИИБ РЎ да ишловчи танишлари йўқлигини, жабрланувчини ишонтириш учун шундай деб айтганини, қилган ишидан пушаймонда эканини инобатга олиб енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида судланувчи М.Комилжонов ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатув берган бўлсада, суд унинг айби, қуйидаги далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади деб ҳисоблайди.

Жабрланувчи Б.Юсупов суд мажлисида, ўзига тегишли хайдовчилик гувоҳномасини 3 йил аввал йўқотиб қўйгани сабабли, хайдовчилик гувоҳномаси олиш мақсадида Қўқон шаҳридаги Автокард номли мактабга бориб унга нотаниш бир шахс билан гаплашган вақтида судланувчини Ориф деб таништириб уни телефон рақамини бериб шу шахс билан гаплашса ёрдам беришини айтганидан сўнг судланувчини телефон рақамига қўнғироқ қилганида судланувчи унга 2.200.000 сўм пул эвазига Фарғона вилоят ИИБ РЎ да ишловчи танишлари орқали 20 кун муддата “В,С” тоифали хайдовчилик гувоҳномасини олиб беришини, ўзи билан бирга 3*4 хажмдаги расми ва паспорт нсхасини олиб келишни айтганида уни ноқонуний ҳаракатига чек қўйиш мақсадида ариза ёзиб берганини, шундан сўнг ИИБ ходимлари унга холислар иштирокида эллик минг сўмлик купюрадаги жами 2.200.000 сўм пул маблағи ва овоз ёзиш мосламасини беришганини, судланувчи билан телефонлашиб, Қўқон шаҳар, Истиклол кўчасидаги 10-сонли уй олдида кўришиб унга олдиндан келишилган пулларни берганидан сўнг ИИБ ходимлари уни холислар иштирокида ушлашиб ундан тадбирда фойданилган пулларни олишгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Ж.Муқимжановни суд мажлисида текширилган дастлабки терговда 2021 йил 21 апрель куни ИИБ ходимларини таклифига кўра махсус тадбирда холис бўли иштирок этганини, ИИБ ходимлари ундан ташқари яна бир шахсни холис сифатида жалб қилишиб уларни ҳуқу ва мажбуриятларини тушунтиришганини, шундан сўнг Ориф исмли шахсни ноқонуний ҳаракатлари юзасидан келиб тушган ариза юзасидан тадбир



ўтказилишини маълум қилишиб, дастлаб махсус харидорга 50.000 сўмлик купюрадаги жами 2.200.000 сўм пул маблағларига мутахассис томонидан махсус ишлов берилиб, сўнг махсус харидорга тақдим қилишганини, шундан сўнг махсус харидор Ориф исмли шахс билан телефонда гаплашиб, Макро савдо дўкони олдида кўришишга келишиб олишганини, шундан сўнг тадбир иштирокчилари билан келишилган жойга бориб уни кузатиб туришганини, бироздан сўнг махсус харидор Ориф исмли шахс билан учрашиб олдиндан келишилган 2.200.000 сўмни берганидан сўнг ИИБ ходимларига олдиндан келишилган махсус ишорани берганини, шундан сўнг ИИБ ходимлари билан бирга Ориф исмли шахсни олдига бориб ўзларини таништириб унга нисбатан тадбир ўтказилганини маълум қилишиб, ёнида жиноятга олоқадор буюмлар бўлса топширишини айтишганида тадбирдан фойдаланилган 50.000 сўмлик купюрадаги 2.200.000 сўм пул маблағларини, 3X4 хажмли расмлар ва махсус харидорни паспорт нусхасини тақдим қилганини ИИБ ходимлари ундан ушбу пул ва буюмларни нима мақсадда олганини сўрашганида махсус харидорга ўқимасдан туриб “В,С” тоифадаги хайдовчилик гувоҳномасини танишлари орқали тез муддатга олиб беришини айтиб ундан пул ва бошқа шахсий ҳужжатларини олганини, қилган ишидан пушаймонда экани ҳақида айтиб берганини, ҳолат юзасидан тузилган баённомага имзо қўйиб бергани ҳақида кўрсатув берган.

Юқоридагилардан ташқари, суд судланувчи М.Комилжоновнинг айби, махсус харидорга пул маблағларини ва диктафонни тақдим этиш ҳақида баённома ва фотоилова, аризани текшириш, воқеа жойини кўздан кечириш ва ашёвий далилни олиш баённомаси, аризадан диктафонни олиш баённомаси, суд кимёвий экспертизасининг 2021 йил 29 апрель кунги 234-сонли хулосаси билан тўлиқ ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, судланувчи Комилжонов Мухаммадориф Мухаммадали ўғли 2021 йил 21 апрель куни соат 14-00ларда жабрланувчи Б.Юсупов билан кўришиб, унга 2.200.000 сўм эвазига 20 кун муддат ичида Фарғона вилоят ИИБ РЎ ва ИОБ да ишловчи танишлари орқали “В,С” тоифадаги хайдовчилик гувоҳномасини олиб беришига айтиб, ишонтириб, алдаб уни пора беришга далолат қилиб, 2.200.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми ва 28,211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этган.

Суд судланувчи Комилжонов Мухаммадориф Мухаммадали ўғлига жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандидаги жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги, 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни



хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги; 41-бандида Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо шахс айбдор деб топилган Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкцияси доирасида тайинланади. Агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилмаган бўлса, у ЖК 45-моддасида белгиланган асослар ва доирада, қабул қилинган қарор ҳукмда асослантирилган ҳолда қўлланилиши мумкинлиги; 45 Жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шарт. Бундай жазони тайинлаш пайтида ҳукмнинг қарор қисмида судланувчи шуғулланиши мумкин бўлмаган мансаб характери ёки фаолият тури аниқ кўрсатилиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришларга амал қилган ҳолда жиноятни ғаразли ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, оилавий шароитини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳамда хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этганини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ва 211-моддаси билан озодликни чеклаш жазосини асосий жазо сифатида ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, тайинлашни лозим топди.

Суд жиноят оқибатида етказилган моддий зарар масаласини муҳокама қилиб, тадбирда фойдаланиш учун тақдим қилинган 2.200.000 сўм пул маблағи ашёвий далил тариқасида олиниб, тилхат асосида ИИБ ходимига қайтарилганини инобатга олишни лозим топди.

Шунингдек суд тадбир давомида ашёвий далил тариқасида олинган, паспорт нусхаси ва ЗХ4 хажмли расмлар жиноят ишида сақланишини белгилашни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларини қўллаб,

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Комилжонов Мухаммадориф Мухаммадали ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми ва 28,211-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

М.Комилжоновга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



М.Комилжоновга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан, ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 йил 6 ой муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида жумладан автомактабларда автомашина бошқаришни ўргатувчи (инструктор) вазифасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 2 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

ЖКнинг 59-моддаси 2-қисми, 61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиб, ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 йил 6 ой муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида жумладан автомактабларда автомашина бошқаришни ўргатувчи (инструктор) вазифасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

М.Комилжонов зиммасига сутканинг соат 20-00дан 06-00га қадар яшаш хонадонидида бўлиш, яшаш хонадонини жазо ижросини назорат қилувчи органни рухсатсиз ўзгартирмаслик ҳамда Фарғона вилояти худудидан ташқарига чиқмаслик каби тақиқлар юклансин.

Ҳукм ижросини таъминлаш Фурқат туман ИИБ пробацация бўлими зиммасига юклатилсин.

М.Комилжоновга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, шикоят ёки протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи:

М.Улуғбеков

